



2023 йил 15 июль

№ РС-38-23

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг иккинчи
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича
суд амалиёти обзори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасига асосан Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан тайёрланган 2023 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори юзасидан қуйидагиларни таъкидлайди.

Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида 2023 йилнинг иккинчи чорагида кассация шикоятлари (протестлари) асосида жами 378 та иш кўрилган бўлиб, шундан 294 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 73 таси бўйича бекор қилинган, 8 та иш юзасидан кассация шикоятлари бўйича иш юритиш тугатилган.

Жами 73 та суд ҳужжатлари бекор қилинган ишлардан 33 та иш бўйича янги қарор қабул қилинган, 2 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган, 26 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун қуйи судларга (шундан 10 таси биринчи инстанцияга, 16 таси апелляция инстанциясига) юборилган ҳамда 12 та иш бўйича апелляция инстанцияси судининг қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судларининг ҳал қилув қарорлари ўз кучида қолдирилган.

Судлов ҳайъати томонидан кассация инстанциясида кўрилган ишлар ҳудудлар кесимидаги таҳлилига кўра:

Қорақалпоғистон Республикаси - 11 та (шундан, 3 таси бекор қилинган), Андижон - 14 та (2 таси), Бухоро - 12 та (6 таси), Жиззах - 11 та (1 таси), Қашқадарё - 24 та (7 таси), Навоий - 3 та (1 таси), Наманган - 15 та (3 таси), Самарқанд - 32 та (6 таси), Сирдарё - 14 та (2 таси), Сурхондарё - 17 та (4 таси), Тошкент - 57 та (16 таси), Тошкент шаҳар - 85 та (11 таси), Фарғона - 38 та (8 таси), Хоразм 37 та (3 таси) иш тўғри келган.

Судлар томонидан айрим ишларни кўришда иш ҳолатлари тўлиқ аниқланмаслиги, иш ҳужжатлари тўлиқ ўрганилмаслиги, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг нотўғри қўлланилиши ёки бузилиши суд қарорларини бекор қилинишига олиб келмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон вилоят ва Тошкент шаҳар маъмурий судларида тааллуқлилик масаласида хатоликка йўл қўйилган бўлса, Қашқадарё вилоят маъмурий судларида аризачини иш бўйича манфаатдор шахс эканлигини аниқлашда хатоликка йўл қўйиш ҳолатлари қолган судларга нисбатан кўпроқ учрамоқда.

Шунингдек, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари маъмурий судларида ерга оид, Бухоро ва Фарғона вилоят маъмурий судларида эса солиқ муносабатларига оид оммавий-ҳуқуқий низолар бўйича ишларни кўришда хатоликларга йўл қўйилиши ҳолатлари мавжуд.

Бундай ҳолат қолган вилоятлар маъмурий судлари фаолиятида ҳам кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг иккинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори маълумот учун қабул қилинсин.

2. **Қорақалпоғистон Республикаси** (А.Нурлипесов), **Андижон** (М.Салимов), **Қашқадарё** (раис в.в.б. Б.Қиличов) вилоятлари ва **Тошкент шаҳар** (У.Алмамедов) маъмурий судлари раисларига судьялар томонидан процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

Наманган (З.Курбонова), **Самарқанд** (Т.Файзиев) ва **Тошкент** (А.Эрназаров) вилоятлари маъмурий судлари раисларига ерга оид низоларни кўриш бўйича судьяларнинг малака ва кўникмаларини ошириш;

Бухоро (С.Турсунов) ва **Фарғона** (Д.Махаматов) вилоятлари маъмурий судлари раисларига судьялар томонидан солиққа оид низоларни кўриш бўйича судьяларнинг малака ва кўникмаларини ошириш бўйича чоралар кўриш лозимлиги кўрсатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати (У.Холов) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган маъмурий судлар раислари зиммасига суд амалиёти обзорини ушбу судларнинг ҳар бир судьясига етказилишини таъминлаш мажбурияти юклансин.

4. Ушбу қарор вилоят ва унга тенглаштирилган маъмурий судларга, туманлараро маъмурий судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси” ҳамда “Куч-адолатда” газетаси бирлашган таҳририяти (Ш. Ҳамроев), “Одил судлов” – “Правосудие” журнали таҳририяти (К. Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (А. Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Ж. Умаров) суд амалиёти обзори “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси”, “Одил судлов” – “Правосудие” журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Раислик қилувчи,
Олий суд раисининг
биринчи ўринбосари**

Р. Махмудова

Р. Махмудова